



## КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Имомназаров Алишер Хасанович

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси  
мустақил тадқиқотчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8016087>

### ARTICLE INFO

Received: 29<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 07<sup>th</sup> June 2023

Online: 08<sup>th</sup> June 2023

### KEY WORDS

Кўздан кечириш, кўздан кечириш тактикаси, кўздан кечиришнинг дастлабки, кейинги босқичи, кўздан кечиришнинг тўлиқлиги, ашёвий далиллар.

### ABSTRACT

Мақолада кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг криминалистик жиҳатлари, кўздан кечиришнинг тўлиқлиги таъминланиши талаблари, кўздан кечириш турлари таснифланиши, терговчилар томонидан кўздан кечириш жараёнида йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар таҳлил қилинган.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини сифатли ўтказишни таъминловчи энг муҳим жиҳат бу уни криминалистик яъни тактик ва услубий жиҳатдан тўғри ташкил қилишга боғлиқ ҳисобланади.

Криминалистикани асосчиларидан бири, профессор Н.П.Макаренко кўздан кечириш тергов ҳаракатини «чекка қиррали тош» деб ёзган эди. Ўз вақтида техник ва тактик жиҳатдан пухта ва криминалистик методларни суд тиббиёт, суд кимё, суд биология ва бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда бажарилган кўздан кечириш тергов ҳаракати терговчига содир этилган жиноят натижасида қолдирилган из ва материалларини аниқлаш, мустахкамлаш, ўрганиш ва ашёвий далил сифатида, тўғри фойдаланишда, жиноят таркиби бор йўқлигини, шахсни айбли ёки айбсизлигини тўғри ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. Лекин терговни олиб боришдаги муваффақият терговчининг криминалистик билим даражасигагина боғлиқ эмас. Бу ҳолатда Жиноят-процессуал қонун нормалари талабларига амал қилиш ҳам муҳим омиллардан бири саналади.

“Кўздан кечиришни ўтказиш – бу терговчи ва тергов гуруҳининг бошқа аъзоларидан кўздан кечириш жараёнида касбий кўникмалар ва тажриба талаб этадиган мураккаб тергов ҳаракати ҳисобланади, чунки айнан дастлабки тергов ҳаракатлари давомида жиноят иши бўйича юзага келадиган кўплаб муаммолар, нозик масалаларни нотўғри ҳал этилиши кўздан кечиришнинг сифатига ва жиноий терговнинг муваффақиятли якунланишига жиддий таъсир кўрсатади”.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Алтухов К.А. Методика осмотра и уничтожения многотонной партии наркотиков // Уголовный процесс. №7. 2021 г. 50 с. (49-51 с).



Одатда, терговчи кўздан кечириш бошланишидан олдин ҳаёлан унинг ҳудудий чегаларини аниқлаб олади. Агар бу чегаралар тўғри белгилаб олинса, унда биргина шу ҳолатнинг ўзи иш учун муҳим бўлган изларнинг топилишига, кейинроқ эса тўғри версияларни илгари сурулишига олиб келади. Жиноят излари бўлиши лозим бўлган ҳудуднинг нотўғри белгиланиши тергов жараёнида жиддий хатоликларни юзага келишидан тортиб, хато версияларни вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўздан кечиришнинг барча турлари, яъни ҳодиса жойини кўздан кечириш, мурдани, ҳужжатларни, ҳайвонларни, майдон ва ҳодиса жойи бўлмаган биноларни кўздан кечириш ва бошқалар ҳамда уларни ўтказиш тактикаси ўзига хос хусусиятларга эга.

Тактика тушунчасига таъриф бераётиб А.Н.Василев “тактика криминалистика фанининг бир қисми – бу махсус фанлар тизими – мантиқ, психология, шунингдек, мантикий билиш усуллари қўллаш учун тергов амалиётини умумлаштириш, терговчи ва тергов ҳаракатлари иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар психологиясини шакллантириш ҳамда жиноят-процессуал кодексига мувофиқ далилларни самарали тўплаш мақсадида жиноятларни тизимли тергов қилишни ташкил этишдир”<sup>2</sup> деган фикрларни илгари сурган эди.

Лекин Р.С.Белкиннинг таърифи кенгроқ баён этилган. Яъни “терговни ташкил этиш ва унинг асосида ишлаб чиқиладиган илмий қоидалар ва тавсиялар тизими, терговни амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқ-атворини аниқлаш ва жиноятни содир этиш ва яширишга ёрдам берадиган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш учун далилларни тўплаш ва тадқиқ этишга қаратилган алоҳида процессуал ҳаракатларни ўтказиш усуллари мажмуидир”<sup>3</sup>.

Бироқ, шундай процессуал ва тактик қоидалар мавжуд бўлиб, улар барча турларга мос келади. Жумладан,

- ягона раҳбарлик. Кўздан кечириш натижаси учун ишни тергов қилиш ишониб топширилган шахс жавобгар бўлиши мумкин. Терговчи ёки суриштирувчи.
- кўздан кечиришнинг ўз вақтида ўтказилиши - уни зудлик билан ўтказиш. Ушбу талаб объектларнинг хавфсизлигини текшириш вақтига қадар таъминлаш мақсадини ўз ичига олади, чунки вазият ва объектлар ҳар қандай ўзгаришларга, сохталаштиришга ёки вайронагарчиликларга дуч келиши мумкин, натижада тергов ҳаракатининг самарадорлиги ва унинг натижасига бевосита таъсир қилади. Кўздан кечиришни кечиктирилиши терговни ўта қийин аҳволга солиб қўйиши, шунингдек, жиноят содир этилганлигининг бир қанча қимматли далиллари яроқсиз ҳолатга келтириб қўйиши мумкин. Шу сабабли, текширув ўтказишда ва айниқса воқеа жойини текширишда, ушбу тергов ҳаракатини амалга оширишда, иккиланмаслик ва воқеа тафсилоти маълум бўлгач, уни дарҳол амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.
- кўздан кечиришнинг объективлиги текшириш пайтида топилган барча нарсаларни асл шаклида қайд этиш ва ўрганишдан иборат. Бунда терговчи иш учун муҳим бўлган барча ҳолатлар, излар ва нарсаларни холис аниқлаши шарт. Ҳатто гумон қилинувчининг ўзи айбини тан олиб, қандай жиноят ва қандай сабабларга кўра содир

<sup>2</sup> Васильев А.Н. Тактика отдельных следственных действий. М., 2001. С.234.

<sup>3</sup> Белкин Р.С. Ленинская теория отражения и методологические проблемы советской криминалистики. – М., 1970.



этганлигини тушунтирганда ҳам, яъни ўзини айблаш содир бўлган тақдирда, текширув ўтказаетган шахс бундай эътирофга алоқадор нарсаларни қидириш билан чегараланишга ҳақли эмас. масалан, ҳуқуқбузар бир жиноятни бошқа жиноят билан яширишга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, кўздан кечиришнинг объективлиги шундаки, терговчи ўзи учун энг содда ёки қулай бўлган битта версияга устунлик бермаслигидир, балки мавжуд бўлган барча фактларни, барча мумкин бўлган версиялар нуқтаи назаридан текшириши лозим. Шунингдек, терговчининг хулосалари, таклиф ва тахминларини кўздан кечириш натижаларини ўз ичига олган баённомага киритиш мумкин эмаслигида намоён бўлади.

- кўздан кечиришнинг тўлиқлиги. Текширувнинг тўлиқлиги объективлик билан чамбарчас боғлиқ, бу эса ўз навбатида ҳодиса жойидаги барча излар тўғри аниқланиши ва тергов қилинишини, шунингдек белгиланган тартибда баённомада қайд этилишини кафолатлайди.

Агар терговчи қуйидаги талабларга жавоб берса, кўздан кечиришнинг тўлиқлиги таъминланиши мумкин, масалан:

1. Трасология (Изшунослик) соҳасидаги криминалистиканинг зарур асосларини билиш, хусусан, изларнинг пайдо бўлиш механизмини билиш, жиноятчининг у ёки бу усулни қўллаганлигини кўрсатувчи белгилар ҳақида тасаввурга эга бўлиш, шунингдек, жиноятни содир этиш ёки яшириш белгиларини аниқлай олиш ва улар содир этган жиноятнинг ҳолатини қайта тиклаш кўникмаси;
2. Терговчи кўздан кечиришни иш учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай ҳолатлар қаровсиз қолдирилмаслиги учун ҳам ўтказиши лозим. Кўздан кечириш вақтида у амал қиладиган версиялар унга топилган нарсаларнинг бу ишга алоқадорлигини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, кўздан кечиришнинг тўлиқлиги учун кўпинча илмий-техник воситалар қўлланилади. Бундай техникалар туфайли жуда кўп маълумотларни топиш мумкин, акс ҳолда бундай далиллар эътибордан четда қолиб кетиши мумкин.
3. Услубий ва изчиллик. Услубийлик - бу текширувни тўғри ташкил этиш ва энг самарали кўздан кечириш усулларида фойдаланиш. Изчиллик - бу терговчи бажарадиган қатъий белгиланган ҳаракатлар тартиби.
4. Кўздан кечирилатган объектлар билан ишлашда криминалистик қоидаларга риоя қилиш. Кўздан кечириш иштирокчилари ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланишини назарда тутати; мутахассисларнинг билимларидан, масалан, портловчи моддалар муҳандиси, радиоактив материаллар билан ишлаш бўйича мутахассис, қидирув итлари билан ёки рақамли қурилмалар бўйича мутахассислардан ҳамда криминалистик асбоблари ва усулларида малакали фойдаланиш.
5. Криминалистик-техник воситалар ва усуллардан фойдаланиш, мутахассислар ёрдами. Мурдани кўздан кечириш, эксгумация қилиш, гувоҳлантириш вақтида мутахассис ёки шифокорнинг иштироки мажбурийдир. Бироқ, ҳозирда мутахассисларнинг иштироки, махсус билим талаб қиладиган объектларга дуч келинганда таъминланади. Масалан, ёнғин, теракт, самолёт ҳалокати жойлари ва кибер жиноятлар бўйича кўздан кечириш.



Юзаки кўздан кечириш ишни тергов қилишга ёрдам бермайди, фақат қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Кўздан кечириш ўтказишда терговчи қуйидаги саволларга жавоб олиши керак:

1. Нима, қаерда ва қачон содир бўлган;
2. Буни ким ва нима учун қилди;
3. Қандай қилиб амалга оширган, кимнинг ёрдами билан;
4. Жиноят натижаси қандай.

Шунингдек, иштирокчилар доираси ва тайинланиш ўрни бўйича таснифлаш ҳам мумкин. Масалан, тайинланиш ўрни бўйича:

1. Жиноят иши кўзғатилгунга қадар;
2. Жиноят иши кўзғатилгандан кейин;
3. Дастлабки;
4. Такрорий;
5. Қўшимча.

Иштирокчилар доираси бўйича:

1. Мутахассис иштирокида: бунда мутахассис замонавий илмий-техник воситалардан фойдаланади, ўлчовлар ўтказишда, далилларни аниқлайди ва қайд этади, жараён иштирокчиларига ўз ҳаракатларини, амалий билимларини ва илмий техник воситалар ҳамда ўрганилган ҳолат юзасидан маълумот беради.

2. Мутахассис иштирокисиз. В.А.Снетковнинг фикрича, “терговчи мутахассисни чақириш тўғрисида қарор қабул қилганда, у тергов ҳаракатларида олишини кутилаётган далиллар тоифаси ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак, шунингдек, мутахассиснинг вазифаларга мос келадиган зарур касбий тайёргарлиги, режалаштирилган тергов ҳаракатлари, шунингдек, мутахассис ишининг самарадорлиги боғлиқ бўлган зарур техник ва суд-тиббий воситаларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим”<sup>4</sup>.

Шуни назарда тутиш керакки, кўплаб терговчилар ҳодиса жойини кўздан кечириш вақтида тергов ҳудудининг текис юза қисмидан чегарани ўтказишда (кўздан кечирилаётган хонанинг ёки хонадоннинг поли ва йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган асфалтнинг қопламаси ва бошқалар). Бироқ кўплаб терговчилар ҳар қандай текис юза уч ўлчамга эга эканлиги ва хусусан ҳодиса жойини кўздан кечириш вақтида изларни маълум бир текис юзадан қидириб топишдан ташқари, уларни ўша юза даражасидан юқорироқ ёки пастроқ нуқтадан излаш кераклигини унутиб қўйишади.

Кўздан кечиришда баённомани расмийлаштириш масаласи ҳам тактик жиҳатдан энг муҳим саналади. Чунки кўздан кечириш баённомаси – бу тергов ҳаракатининг бориши ва унинг натижаларини акс эттирувчи, шу билан бирга тергов жараёнида далил сифатида хизмат қилувчи асосий процессуал ҳужжатдир. Баённомада терговчи ва тергов гуруҳининг бошқа аъзолари томонидан содир этилган барча хатти-ҳаракатлар, улар ишлатган тергов усуллари ва илмий-техник воситалар, кетма кетликда тасвирлаб ўтилади. Баённомада кўздан кечириш вақтида олинган барча ашёлар рақамланади ва

<sup>4</sup> Снетков, В. А. О проблемах криминалистического распознавания / В. А. Снетков // Информационный бюл. по материалам криминалистических чтений «Криминалистическая диагностика: состояние и перспективы» / Акад. управления МВД России. – М., 2001. – № 14



батафсил тасвирланади. Кўздан кечириш баённомасининг аҳамиятига ўз вақтида биринчилардан бўлиб Иван Николаевич Якимов эътибор қаратган. Унинг таъкидлашича, кўздан кечириш жараёнида тергов учун муҳим ва аҳамиятли бўлган нарсаларни топилишининг ўзигина етарли эмаслиги, бундан ташқари барча кузатилган ва топилган ҳолатлар, ашёлар уларнинг шакллари, тўғри қайд этилиши, кейинчалик эса кўздан кечириш натижалари билан танишиб чиқувчи ҳар қандай шахс учун тўғри ва аниқ тасаввурнинг қолиши лозимлигини айтиб ўтган. “Кўпинча кўздан кечириш баённомалари қўпол процессуал хатоликлар билан тузилади, бу эса тергов ҳаракатлари давомида топилган далилларнинг қийматини йўқолишига ва уларнинг номақбуллигига олиб келади”<sup>5</sup>.

Кўздан кечириш баённомасида ишга таалуқли бўлган ҳолатлар бўйича берилган таърифларнинг тўлиқлиги, алоҳида топилган изларнинг, предметларнинг содир бўлган воқеа ва ҳодиса билан сабабий боғланганлигини белгилайди. Ҳодиса содир бўлган ҳудуддаги мавжуд ҳолатни қандай бўлса, шундайлигича акс эттириш анчагина мушкул вазифа, лекин умуман олганда бунинг ҳолати ҳам йўқ. Кўздан кечириш баённомаси судда далил сифатида иштирок этишини таъминлаш учун мақбул ҳолда тузилиши лозим. Шунинг учун кўздан кечириш баённомасида ҳодиса рўй берган ҳудуд тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керакки, кейинчалик у орқали ҳодиса жойи хусусида тасаввурга эга бўлиш ва вазиятни тўлиқ тиклаш имконияти пайдо бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 136-моддасига мувофиқ, кўздан кечириш холислар иштироки билан амалга оширилади. Бироқ, бориш қийин бўлган жойларда, тегишли алоқа воситалари мавжуд бўлмаганда, шунингдек тергов ҳаракатини амалга ошириш одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши билан боғлиқ бўлган ҳолларда, мазкур модданинг биринчи қисмида келтириб ўтилган тергов ҳаракатлари холислар иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Ўз навбатида, юқоридаги ҳолатларда тергов ҳаракатлари баённомасида холисларнинг кўздан кечиришда қатнашмаганлигини сабаблари келтирилиб ўтилиши шарт.

Холислар иштирокисиз тергов ҳаракатлари ўтказилган тақдирда, тергов ҳаракатларини юритиш ва унинг натижаларини қайд этиш махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. “Агар тергов ҳаракатларида махсус техник воситалардан фойдаланиш имконсиз бўлса, терговчи бунинг сабабларини тегишли тартибда қайд этиши лозим”<sup>6</sup>.

Кўздан кечириш жараёнида холисларнинг иштирок этмаслиги унинг ўтказилишини объективлигига шубҳа туғдирса, у ҳолда суд терговчини ёки кўздан кечириш гуруҳининг бошқа аъзоларини “гувоҳ” сифатида ишга жалб этишга мажбур бўлади.

Кўздан кечириш жараёни холисларнинг иштирокисиз ўтказилаётганда, техник қайд қилиш воситалари орасидан видео тасвирдан фойдаланиш энг оқилона қарор ҳисобланади. Чунки у ҳодиса жойидаги вазиятни, шунингдек, кўздан кечириш жараёнидаги ҳолатни максимал даражада тўлиқ кўрсатиш имконини беради.

Ҳодиса рўй берган ҳудудда юзага келган вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли тергов ҳаракатида ҳозир бўлганларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғдирадиган

<sup>5</sup> Якимов Н.И. Криминалистика. Руководство по уголовной технике и тактике. М., 2011. С. 194.

<sup>6</sup> Еникеев М.И., Черных Э.А. Психология осмотра места происшествия: Учебное пособие. М., 1999. С.122-130.





ҳолатлар учраб туради. Шунинг учун, терговчи кўздан кечиришни бошлашдан олдин, процесс иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олиши ва ушбу омилларга қарши зарур чораларни кўриши лозим. Юқоридаги келтирилган ҳолатларни, айниқса, ҳодиса рўй берган ҳудудга тергов гуруҳидан олдин кирадиган эксперт ёдда тутиши шарт.

Ҳодиса рўй берган ҳудудда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавф, бинолар ис гази билан ифлосланганда (ер ости коммуникация тармоқлари, подваллар ва бошқалар), электрэнергия манбаларининг мавжудлигида (очиқ ёки синган симлар, ишлайдиган электр жиҳозлари ва бошқалар), портловчи қурилмалар ва унинг портлаши натижасида бино ёки иншоот қисмларининг қулаши эҳтимоли мавжуд бўлганида, юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда, тегишли орган ходимларини керакли ёрдам билан таъминлаш ва кўздан кечиришни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш керак. Амалиётда изларни, юқори баландликдаги иш, ҳаракатланиш учун хавфли (масалан, юпқа муз устида) бўлган ҳудудларда аниқлаш ва олиш ҳолатлари учраб туриши мумкин. Юқоридаги ҳолларда тергов гуруҳини тегишли хавфсизлик ускуналари билан таъминлаш ўта муҳимдир. Баъзи бир ҳолатларда терговчи томонидан қуролланган жиноятчиларни яшириниш имкониятлари мавжудлиги ҳам ҳисобга олиниши керак бўлади (айниқса, подвалларни, чердакларни текшириш жараёнида). Ўз навбатида, “бундай жойларни кўздан кечиришни бошлашдан олдин ҳудуд атрофини хизмат итлари билан текшириш тавсия этилади”<sup>7</sup>.

Кўздан кечириш жараёнини ташкил этишнинг муҳим жиҳати бу ишда қатнашаётган барча иштирокчилар ўртасида юксак маданий муҳитни яратиш ҳисобланади. Шубҳасиз, терговчи бундай юксак муносабатларни асосий ташувчиси сифатида барча иштирокчилар билан доимий равишда тарбиявий ишларни олиб бориши, тартибсизликка сабаб бўладиган тенденцияларни бартараф этиши, баъзи ҳолларда эса юзага келадиган низоларни моҳирлик билан ҳал этиши, ҳар қандай вазиятда хайрихоҳлик, ўзаро ҳурмат ва қатъиятлилиқни сақлаши лозим.

Шу ўринда кўздан кечиришда тергов тасаввурининг ўта муҳимлигини таъкидлаб ўтиш керак. Жиноятларни очиш жараёнида терговчи томонидан юритиладиган ақлий фаолиятда тасаввурнинг аҳамияти жуда юқори бўлади. Айнан унинг ёрдамида терговчи воқеаликдаги объектив фактларни бирлаштириб, ҳодиса рўй берган ҳудуддаги ҳолатни қайтадан тиклаши мумкин. Тасаввур жараёнига эътибор қаратмаслик эса тергов хатоликларига олиб келади.

Шу муносабат билан криминалистик жиҳатларда қуйидаги ҳолатлар мавжуд. Негатив (салбий) ҳолатлар – бу ишга алоқадор бўлган, дастлабки юзага келган версия билан тушунтириб бўлмайдиган (бошида энг кўп кўриладиган версия), ҳар қандай фактик маълумотга айтилади. Масалан; ўғирлик содир бўлган бино ҳудудини кўздан кечириш бошланганда, терговчи тутқичи арраланган қулфни ердан топади. Табиийки, дастлаб жиноятчи хонага қулфнинг кишанини арралаб кирган деган фикр илгари сурилади. Бироқ, кўздан кечириш давомида эшик ёнидаги полда метал зарраларнинг излари йўқлиги маълум бўлди (бу ҳолат магнит ёрдамида аниқланади); қулф кишанини майда

<sup>7</sup> Жданов А.Г. Осмотр места происшествия: Учебное пособие. М.: ЭКЦ МВД России, 2009. С.123-136.



металл заррачалар қолдирмасдан арралашнинг иложи йўқлиги сабабли, терговчи янги фикрни (версияни) илгари суради – унга кўра, жиноятчи бинога эркин равишда кириб чиқиш имкониятига эга бўлган, кишанни бошқа ерда арралаган ва изларни чалкаштириш мақсадида уни эшикнинг ёнига ташлаб қўйган. Салбий ҳолатлар саҳналаштирилган жиноятларни аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Салбий ҳолатлар терговнинг муайян натижасига қизиққан шахс томонидан сунъий равишда яратилган фактларни, ҳақиқаттан ҳам содир бўлган ҳодиса ҳолатларига мос келмайдиган вазиятни аниқлашда жуда муҳимдир.

Ҳодиса жойида тўғри ўтказилган кўздан кечириш терговчига асосий вазифаларни - ҳодисанинг тўғри тасвирини яратишга, баъзан эса жиноятчи ва жиноят мотивини аниқлашга имкон беради. Албатта, “ҳар доим ҳам биргина ҳодиса жойини кўздан кечириш билан жиноятни аниқлаб бўлмайди, бироқ, шунга қарамасдан малакали ва пухта ўтказилган кўздан кечириш муваффақиятли терговнинг ажралмас шарти бўлиб қолаверади”.<sup>8</sup>

Кўздан кечириш ҳаракати сўроқ қилиш ва тезкор-қидирув кабилардан мустақил процессуал ҳаракат саналади. Айнан ўша уч хил процессуал ҳаракатлар жиноят иши бўйича далилларни йиғишда катта салмоққа эга. Қоида тариқасида, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳаракати жиноят билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги хабарлардан сўнг зудлик билан амалга оширилади (бу ерда айнан жиноят ҳақида эмас, кўпгина ҳолатларда жиноят содир бўлганлиги факти кўздан кечириш жараёнида ҳам, дастлабки тергов вақтида ҳам ўз тасдиғини топмайди. Шунинг учун ҳам жиноят ҳақидаги хабарларни яхшилаб текшириш лозим, аммо кўздан кечириш ҳаракатини ўтказувчи шахсдан далилларни топишда улкан салоҳият ва тактик жиҳатдан юқори тайёргарлик талаб этилади. Мутахассисдан сўраладигани фақат тажриба бўлиб қолмасдан, балки у жараёни боришини олдиндан кўра билиши, потенциал хатолар ва уларнинг оқибатларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Афсуски, янги қабул қилинган ходимлар ўзларидан тажрибалироқ бўлган ҳамкасблари сингари хато қилган ҳолда ўсиб борадилар.

Криминалистик тактикага оид адабиётлар, ушбу мавзу бўйича услубий қўлланмаларда жиноят содир этилган жойини тўғри текширишни қандай амалга ошириш кераклиги, текшириш давомида руҳсат этилмаган хатолар ва уларнинг оқибатлари ҳақида батафсил маълумотларни топиш мумкин.

“Ҳодиса жойини кўздан кечиришни тайёргарлик ёки ташкилий, умумий текшириш, батафсил текшириш, якуний босқичларга ажратиш мумкин”.<sup>9</sup> Шунинг учун ҳам бу камчиликларни таҳлил қилиш ва ўрганиш фойдадан холи бўлмайди, албатта. Қуйида терговчи ва тезкор ходимлар томонидан йўл қўйиладиган хатоликларни кўриб ўтамиз:

## **1) Кўздан кечиришга тайёрланиш босқичидаги камчиликлар.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги энг характерли ва кўп учрайдиган хатолардан бири воқеа жойини ўз вақтида муҳофазага олмаслик ҳисобланади. Ўраб

<sup>8</sup> Яблоков Н.П. Криминалистика: Учебник. М., 2000. С.244

<sup>9</sup> Абулхайров Рустамхон Ибодуллаевич Портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий жиҳатлари: кўздан кечиришни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби. Theoretical aspects in the formation of Pedagogical sciences International scientific-online conference. 4 бет.



олиш жиноят жойига бегона шахсларнинг кириб келишини олдини олиш (уларнинг орасида жиноятчи шахс ҳам бўлиши мумкин), жиноят ва жиноят излари йўқолиши, шунингдек, “бегона излар” нинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун қилинади. Масалан К. исми шахс уйдан пуллар ва олтин буюмлар ўғирланганлиги ҳақида хабар берди. Аммо уйни вақтида ўраб олиб, ҳимоя қилиш бажарилмади, бу бўйича жабрланувчига кўрсатма ҳам берилмади. Ҳатто, участка нозири эса бу жараёни назоратига олмади. Оператив гуруҳ ўғирлик содир бўлган жойга объектив сабабларга кўра 3 соат ўтиб етиб келди. Бу вақт оралиғида К. исми шахс нима содир бўлганлигини кўрсатиш учун қўшниларини уйига чақирган. Улар орасида жиноят сабабчиси ҳам бўлган ва у маълум миқдорда жиноят изларини йўқотишга эришган. Бу эса тергов қилиш ва жиноятни очишни мураккаблаштирган.

– баъзан учраб турадиган хатоликлардан бири жиноят жойига зарур воситаларсиз боришдир. Яққол мисол сифатида воёга етмаган қизни ўлдирилиши ва унга нисбатан зўрлик ишлатиш ҳолати. Воқеа шаҳардан 15 километр узоқликдаги чекка ҳудудда содир бўлган. Тунги вақт бўлишига қарамасдан, фақатгина эксперт-криминалистга электр фонар берилди, аммо бошқа зарурий воситалар олиб борилмади. Натижада воқеа жойини кўздан кечириш сифатсиз амалга оширилди.

– дастлабки “муҳим излар” ёрдамида жиноятчини топиш, янада аниқроқ версияларни ишлаб чиқиш учун мутахассисларни жалб қилмаслик;

## **2) Кўздан кечириш вақтида юзага келадиган тактик камчиликлар.**

– топилган оёқ излари қайд қилинади ва баённомага киритилади, аммо унинг барча қисми ўлчамларининг аниқлаштирилмаслиги;

– олинган бармоқ изларининг терговчи томонидан папиляр чизиқ турини баённомада кўрсатиб ўтмаслик;

– ёнғин жойида текширув ўтказиш вақтида терговчи бензин излари бўйича ёғоч тахтадан намуналар олмаслиги;

– эшикдаги бузиш қуролларидан қолган изларининг баённомага киритилиши, аммо унинг ўлчамларининг олинмаслиги;

– ноқонуний наркотик моддаларини тайёрлаш бўйича уйни кўздан кечириш давомида терговчи баённомага наркотик тайёрлашда қўлланиладиган техник воситалар (масалан, гўшт майдалагич) ни киритмаслиги ва уни шунчаки олиб қўйиши. Экспертиза тадқиқодларига кўра, гўшт майдалагич ичида кўкнор излари топилиши мумкин;

– ўғирлик факти бўйича кўздан кечириш ўтказган терговчи баённомага олинган предметларни киритмаслиги;

– ўғирлик содир этилган хусусий уйни текшира туриб, терговчи фақат ўғирлик бўлган жойни кўздан кечиради, лекин уйнинг бошқа қисмлари назардан четда қолиши ва баённомага киритилмаслиги;

– танага шикаст етказиш бўйича воқеа жойини кўздан кечириш давомида терговчи қон қўлмагининг топилган ўрнини баённомага киритмаслиги;

– автоҳалокат бўйича воқеа жойини кўздан кечириш давомида мутахассис-криминалист томонидан автомобил ва унинг ғилдираги остида ётган далиллар ёки қурбонни суратга олиб, лекин паномара услубида уларни тасвирга туширмаслиги,





шунингдек, ЙТХнинг бошқа иштирокчиларининг ўрнини ҳам суратга олмаслик. Терговчи бу ҳолатни эътибордан четда қолдиради ва мутахассис-криминалист ишини назорат қилмайди;

- ёнғин жойини кўздан кечиришда терговчи нотўғри усулни танлаши, яъни кўздан кечиришни жойнинг энг четидан марказгача олиб бориш. Афсуски, бундай вазиятни ёнғин марказидан текширувни бошлаш ва унинг атрофини ўрганиш маъқул эди. Шундай қилинса, ёнғин сабабини аниқлаш осон бўлади.

- терговчи хусусий уйни кўздан кечириш вақтида полда бўлган оёқ изларини ўз вақтида муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслиги, дастлаб терговчи ичкарига ўзи кириши, участка нозирининг илтимоси билан уни ҳам ичкарига таклиф этиш, аммо оёқ изига эҳтиёт бўлиш ҳақида огоҳлантирмаслик. Натижада муҳим далил бўлган оёқ изи йўқолади;

- бошқа ҳолатларда оёқ излари суратга олинади, ўлчанади, лекин гипсли ўлчам қилинмайди ва жойнинг чизмаси баённомага киритилмайди;

- экспертизага юборилган объектларнинг пакетга солинмаслиги ва алоҳида қилинмаслиги. Кўпгина ҳолларда жабрланувчининг ва гумонланувчининг воқеа жойидан топилган микротола ёки мато парчаси бирга сақланиши;

- қон излари кўп бўлган қотиллик жиноятларида, оғир шикаст етказиш билан боғлиқ вазиятларда намуналар олишда терговчи томонидан улардан фақатгина биттаси олинади. Масалан, мурда ёнида бўлган қондан намуналар олинади, аммо деворга сачраган қон излари эътибордан четда қолади;

- воқеа жойига етиб келган тезкор ходимлар узоқ муддат давомида уй ичига кириша олмайди, натижада улар уйнинг бошқа томонида ойнанинг очиқлигини кўриб ичкарига шу орқали киради. Афсуски, жиноятчи айнан шу ойнадан қочган ҳам эди, шу сабабли жиноят иши учун муҳим бўлган ойнадаги изларни олишга имкон йўққа чиқади;

- ўғирлик жинояти содир этилган жойни бир неча кунлик ўрганишдан сўнг топган терговчи барча қўл излари бу муддатда йўқолиб кетган, деган хулоса билан жойни муҳофаза қилиш чораларини кўрмайди. Терговчи ички излар ташқи ишларга қараганда узоқроқ сақланишини ўйлаб кўрмайди, яъни жойнинг ҳолати, ҳаво ҳарорати ва бошқа омиллар туфайли бундай излар бир ҳафтадан бир ойгача сақланиб қолиши мумкин;

- броканерлик жинояти бўйича воқеа жойини тергов қилиш давомида терговчи буғунинг гўшт қилинган қисмларини суратга туширмаслиги. Шунингдек, буғуни ўлишига сабаб бўлган ўқни излаб топамайди, экспертиза ўтказмасдан туриб қуролнинг русуми ва калибрини баённомага киритди.

**3) Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг сўнгги босқичида йўл қўйиладиган камчиликлар:** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари кўпгина вазиятларда экспертга тақдим этилган далилларнинг реквизити эксперт хулосасида батафсил қайд этилгани ёки йўқлигига диққат қаратишмайди, яъни далилларнинг тўплами, тушунтириш хатининг мазмуни, муҳрнинг мавжудлиги, терговчи ва гувоҳларнинг имзолари ва ҳоказолар. Ушбу тафсилотлардан биттасининг мавжуд эмаслиги факти аниқланган далилларнинг қиймати йўқолишига сабаб бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза



қилувчи органлар ходимларининг амалий фаолиятида энг кўп учрайдиган хато ва камчиликлар ҳақида фикр юритилганда, айниқса моддий далилларни эксперт бўлинмасига ўз вақтида етказиб бериш масаласини эътиборсиз қолдирмасликлари зарур. Айрим ҳолларда воқеа жойини кўздан кечириш натижасида қўлга киритилган моддий далиллар ўрганишга жўнатибмайди. Бу эса, изларнинг йўқолишига, жиноятчини қидириш ва унинг жиноятни содир этишдаги ўрни қай даражада эканлигини аниқлашни мураккаблаштиради.

Шундай қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, кўздан кечириш тергов ҳаракати муайян фактлар ёки ҳаракатларнинг қонунийлигини - аниқ, процессуал, малакали ва тўғри аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кўздан кечириш жараёнида энг муҳим масала ашёвий далиллар билан ишлаш ҳисобланади. Ашёвий далилларни излаш ва тўплашда эътиборга олиш керак бўлган муҳим масалаларни таҳлил қилсак.

Ашёвий далилларга оид тамойиллар:

А) Мувофиқлик - бу кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда аниқланган далиллар ҳақиқатга тўғри келишига айтилади.

АҚШ қонунчилигида «мувофиқлик» атамаси Федерал далиллар қоидаларининг 401-қоидасида акс эттирилган. Ушбу қоида «жиноий ҳаракатни аниқлаш учун муҳим бўлган ҳар қандай фактнинг мавжудлигини аниқлаш тенденцияси» деб таърифлайди.

Б) Давомийлик: Далилларнинг узлуксизлиги кўпинча «Далиллар занжири» деб аталади, бу далилларни топиб, текшириб, баҳолаб уларни тизимлаштиришга ва бир бирига боғлашга айтилади. Далилларнинг узлуксизлиги - жиноят содир этилган жойдан суд залига қадар далиллар занжирини узмасдан, муайян иш билан боғлиқ тўпланган далиллар билан боғлиқ хронологик тартибда босқичма-босқич барча маълумотларни ҳужжатлаштиришдир.

В) Тозалик: умумий маълумотлардан ишга алоқадор далилларни ажратишга айтилади.

Д) Яхлитлик: тўпланган далилларнинг бир бутунлигини ишнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олганлигини ҳимоя қилишда намоён бўлади. «Агар далилларнинг яхлитлиги шубҳа туғдирса, у суд жараёнини хавф остига қўйиши мумкин, бу эса жиноятчини таъқиб қилинишдан қочишига имкон беради. Барча ашёвий далиллар гувоҳ иштирокида ваколатли шахслар томонидан муҳрланиши керак».<sup>10</sup>

Кўздан кечириш жойида ашёвий далилларни тўплаш қуйидаги белгиланган маълумотларни аниқлаш учун жуда муҳимдир:

- ашёвий далиллар жиноят содир этилганлигини кўрсатиши мумкин;
- ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай асосий элементларини белгилаши мумкин;
- воқеа содир бўлган ҳақиқий жойни аниқлаш;
- гумон қилинувчининг жиноят жойига алоқаси;
- гумон қилинувчини жабрланувчи билан боғлаш;
- жабрланувчининг жиноят содир этилган жой билан алоқаси;
- гумон қилинувчи ва жабрланувчини ашёвий далиллар билан боғлаш;

<sup>10</sup> Harendra Nath Singh. Crime Scene Investigation. International Journal of Science and Research (IJSR). November 2021. 3 P.



- гумон қилинувчи ёки жабрланувчининг шахсини аниқлаш;
- гувоҳнинг оғзаки кўрсатмаларини жиноят ва жиноят жойи бўйича тасдиқлаш;
- ишда айбсиз одамни оқлаш.

## **Кўздан кечириш жараёнида олинadиган далилларнинг турлари қуйидагилардан иборат бўлади:**

- трасологик изларга оид далиллар: бармоқ излари, пойабзал, яланг оёқ излари, асбоб-анжом излари, мато излари, машина шиналари излари, тишланган излар ва шу кабиларни ўз ичига олади;
- биологик далиллар: қон, сперма, сўлак, қусиқ массалар, биологик суюқликлар, сочлар, тирноқ остидаги қиринди, қон доғлари намуналари ва бошқаларни ўз ичига олади;
- ўқотар қурол: қурол, порох изи, снаряд, гильза, ўқ парчалари ва бошқалар киради.
- электрон (рақамли) далиллар: компьютер, ноутбук, видеокамера, қурилма, камера, CD/DVD, мобил телефон, симлар алоқа воситалари ва ўзида маълумот ташувчи воситалар бошқаларни ўз ичига олади;
- ҳужжатли далиллар: ўз жонига қасд қилиш тўғрисидаги ёзувлар, хатлар, белгилар, китоблар, қўл ёзуви, рўйхатга олиш китоби, файл, счёт-фактура, хат, мулк ҳужжатлари, кирим, чиқим ҳужжатлари ва бошқаларни ўз ичига олади;
- кимёвий далиллар: кимёвий материаллар, ёнувчи моддалар, портловчи моддалар ва хоказоларни ўз ичига олади;
- турли нарсалар: тугма, ғишт, сигарета қолдиғи, кул, тупроқ ва бошқалар киради.

**Воқеа жойини, теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш.** Кўздан кечириш жойини текшириш усуллари тўғри танлаш ҳам кўздан кечириш тергов ҳаракатининг сифатига таъсир қилиши мумкин, шу сабабли ҳолатга жой хусусиятларига қараб уларни тўғри танлаш талаб қилинади. Қуйида уларни кўриб чиқсак:

**Қатор қидириш усули.** Бутун майдон қулай қаторларга бўлинган ҳолда қидирилади. “Ҳар бир қатор бирма-бир диққат билан текширилади. Жараён изловчилар бутун ҳудудни қамраб олмагунча давом этади”.<sup>11</sup>

**Сетка усули.** Сетка усулида қидирувни горизонтал қаторлар бўйича қидирувни тугатгандан сўнг, у бошланғич қаторга қайтиб, тўғри бурчак остида излашга айтилади. Қидиришнинг бу усули ўтказиб юборилиши мумкин бўлган далилларни топишга ёрдам беради.

**Концентрик усул** – бу “буралиш спирал” усули ёрдамида четдан марказгача бўлган ҳудудни текшириш усули. Бундай ҳолда, марказ, текширилаётган ҳудуднинг геометрик маркази бўлиши шарт эмас. Бу терговчи ўз хоҳишига кўра танлаган ҳар қандай муҳим объект бўлиши мумкин.

**Эксцентрик** – бунда текшириш бир нуқта (марказ)дан атрофга қараб амалга оширилади. Шунинг учун бу ерда марказ, текширилаётган ҳудудда жойлашганлигидан қатъи назар, энг муҳим объект бўлади. Агар жасад очиқ жойда топилган бўлса, у ҳолда бу шартли марказ бўлади ва бунда текшириш эксцентрик тарзда ўтказилиши ва

<sup>11</sup> Harendra Nath Singh. Crime Scene Investigation. International Journal of Science and Research (IJSR). November 2021. 3 P.



мурдани текширишдан бошланиши керак. Агар жасад кватирада топилса, концентрик текшириш усулидан фойдаланиш тўғрироқ бўлади.

**Фронтал** – олд текширув усули кўпинча катта майдонларда қўлланилади. Бундан ташқари, бутун ҳудуд тенг кенгликдаги майдончаларга бўлинади ва ҳар бир ҳудуднинг бир четидан иккинчи четига қараб текширилади. “Агар текширувда этарли миқдордаги одамлар қатнашса, унда қатнашувчиларнинг ҳар бири ўз қаторини текширади, агар иштирокчилар кам бўлса, терговчи ҳар бир бўлакни навбат билан текширади”.<sup>12</sup>

**Квадрат усули** – бу усулда терговчи воқеа жойини қисм/секторларга ажратади ва гуруҳ аъзоларига бирор-бир воқеа содир бўлган жойи берилади. Сўнгра гуруҳ ҳеч қандай далил эътибордан четда қолмаганлигини таъминлаш мақсадида ўз жойларини алмаштиради ва қайта кўздан кечиришади.

**Панжара усули** – бу усул параллел шаклга ўхшаб кетади. Бироқ турли хил йўналишлардан 90 даража бурчак остида амалга оширилади. Мисол учун, кўздан кечириш аввал чапдан ўнгга (ғарбдан шарққа) қараб ўтказилган бўлса, кейин пастдан юқорига (жанубдан шимолга) қараб амалга оширилади.

**Параллел усул** – бу усул жуда содда кўринишда бўлиб, жамоа аъзолари бир чизик ҳосил қилиб, жиноят жойининг бир четидан иккинчисига қараб бир хил тезликда ҳаракатланиб, кўздан кечиришади. Бу усул кўпроқ иштирокчиларни талаб этади. Унинг самарадорлиги вақтни тежашда намоён бўлади.

**Ташқи айлана усули** – ҳодиса содир бўлган жойда терговчилар воқеа жойининг марказидан бошлаб, айлана шаклида четга қараб ҳаракат қиладилар.

**Ички айлана усули** – бу ташқи муҳитга қарама-қарши бўлган шаклда, “терговчи воқеа жойининг четидан бошлаб марказига қараб айлана шаклида ҳаракат қилади”.<sup>13</sup>

“Экспертиза текшируви учун намуналар олиниши учун кўздан кечиришнинг бир қатор усулларида фойдаланилади: ёнма-ён туриб ашёвий далилларни биргаликда қидириш, секторли кўздан кечириш, квадратли кўздан кечириш, спиралли кўздан кечириш”.<sup>14</sup>

**Жиноят жойининг фотосуратга олиш ҳам кўздан кечиришдаги муҳим жараён ҳисобланади.** Жиноят содир бўлган жойни дастлабки текширувдан ўтказгандан сўнг, уни суратга олиш, эскиз чизиш орқали диққат билан ёзиб олиш керак. Ҳам видеога олишни, ҳам жиноят жойини суратга олишни тизимли равишда амалга ошириш керак. Бармоқ излари, оёқ излари, сачраган қон доғлари, тешиб ўтган ўқ излари, сочлар, толалар ва бошқалар каби ҳар қандай ашёвий далилларнинг фотосуратлари, далилларнинг аҳамиятини ўрганиш ва баҳолаш учун зарурдир. Воқеа содир бўлган жойининг умумий, ўрта ва яқин кўриниши, шунингдек далиллар, керак бўлган тақдирда, мос масштаб ёки бошқа ўлчам қурилмалари ёрдамида кетма-кет суратга олиниши керак. Фотосуратларни иложи борида, бу воқеани оддий бурчакдан кўринадиган тарзда кўрсатиш учун кўз даражасида олиш керак. Агар керак бўлса,

<sup>12</sup> Мирзаев Ф.З., Астанов И.Р. Ҳаётга қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси. 2023 й. 43 б.

<sup>13</sup> Имомназаров, А., Хайруллаев Э., Мирзаев, Ф., Астанов, И. Кўздан кечириш тергов ҳаракати имкониятлари. Услубий қўлланма / А.Имомназаров ва бошқ. – Тошкент: “САННОФ” нашриёти, 2021. – 24 (104) б.

<sup>14</sup> Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Ю.ф.д. учун ёзилган диссертация. - Тошкент. ИИБ Академияси. 2018 й. 162 б (326 б).





ўлчамларни ўлчаш мосламаси ёрдамида йиғиш ва қадоқлашдан олдин ашёвий далиллар жойида суратга олиниши талаб қилинади.

**Жиноят жойининг эскизи.** Эскиз жиноят содир бўлган жойнинг тўлиқ тасвири бўлиб, жиноят содир бўлган жойда далилларнинг тақсимланишини яққол кўрсатади. Эскиз жиноят содир этилган жойдаги далилларни, жиноятнинг моҳиятини ва жиноятни содир этиш усулини баҳолаш учун фойдалидир. Эскиз жиноят содир бўлган жойни тушунишнинг мукамал, содда ва тушунарли усулини тақдим этади. Жиноят жойини суратга олишнинг бошқа усулини видео, фотосурат билан тўлдирилади.

**Кўздан кечириш объекти сифатида мурда.** Воқеа жойидан мурдани кўздан кечириш объектларига қуйидагилар киради: мурда, унинг қисмлари, статик ҳолати, кийим-кечаги; мурда ётган жой; из ва ашёвий далиллар; жиноят қуроллари ва мурда ёнидан чиққан бошқа буюмлар.

Мурдани ташқи текшириш икки босқичдан иборат бўлади: умумий ва синчиклаб кўздан кечириш.

Ҳодиса содир бўлган жойда мурда топилганда унинг статик ҳолати ўзгартирилмаслиги керак.

Мурдада аниқланган кийим (бўлаклари ҳам), шу жумладан оёқ кийими синчковлик билан кўздан кечирилиб, улардаги тупроқлардан, биологик излардан намуна олиниши ва эҳтиёткорлик билан муҳрланиш лозим. Мурданинг ўзи, шу жумладан бўлаклари, барча кийимлари аниқ кўринадиган ҳолда фотосуратга олиниши шарт. Мурдадаги барча алоҳида белгилар (татуировка, чандиқ, танадаги доғлар, суякнинг қийшиқлиги ва бошқалар) деталли суратга олиниши керак. Кўздан кечириш баённомасида мурдада аниқланган барча ўзига хос хусусиятлар қайд этилиши шарт. Мурданинг тирноғи остидан ҳамда қулоқларидан микроқолдиқларни аниқлаш мақсадида биологик намуна олинади. “Мурданинг бошидаги соч толаси ҳам намуна тарзидан олинади ва алоҳида қадоқланади”.<sup>15</sup>

Тергов-тезкор гуруҳи томонидан мурда ётган жой атрофи бўр ёки бошқа воситалар билан белгиланиши мумкин. Мурданинг ташқи қиёфасини кўздан кечириш мутахассис иштирокида амалга оширилади. Мурдани кўздан кечиришни кечиктириш мумкин эмас, чунки мурданинг ўзида ҳам, воқеа жойида, изларда ҳам ўзгариш содир бўлиши мумкин.

**Мурдани ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечириш босқичлари.**

1) Кўздан кечиришни мурдани ётган жойини аниқлашдан бошлаш лозим. У хонада ётган жойини девордан, дераза ва эшикдан қанча масофада эканлигини ўлчаш билан аниқланади ва қайд этилади. Агар мурда очиқ жойда ётган бўлса, унинг ётган жойи яқинроқ бўлган объектларга (кўприк, дарахт, девор ва ҳ.к.) нисбатан ўлчаш йўли билан аниқланади.

2) Мурдани кўздан кечиришнинг кейинги босқичи мурданинг ҳолатини ўрганиш ҳисобланади.

<sup>15</sup> Куранбаев Р.К. Қотиллик жиноятини тергов қилиш: услубий қўлланма – Тошкент: “SAHHOF” нашриёти, 2021. – 26 (80) б.



3) Мурдани кўздан кечиришда муҳим босқичлардан бири унинг кийимини кўздан кечириш ва қайд этиш ҳисобланади. Мурдани кўздан кечириш ўтказилгандан кейин у суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун юборилади.

4) Мурдани ташқи кўздан кечириш, унинг умумий белгиларидан (жинси, ёши, бўйи, гавда тузилиши) ташқари жиноий ҳодиса билан боғлиқ бўлган махсус белгиларни (баданидаги кўқарган, кесилган, синган жароҳат белгилари, бузишдан қолган жароҳатлари ва бошқа аломатларни) ҳам ўз ичига олади.

Мурда кўздан кечирилганда қуйидаги босқичларда амалга оширилади. Биринчи босқичда мурданинг атрофи кўздан кечирилади. Иккинчи босқичда унинг кийими кўздан кечирилиши лозим, шундан сўнггина унинг бадани текширилиши талаб қилинади. Ушбу 3 та объект кўздан кечириляётганда ушбу ҳаракатларни мурданинг бош қисмидан бошлаш оёғига қараб кетиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Нарса кўздан кечириш усуллари.** Жиноят иши учун кўздан кечириш жараёнида турли нарсалар ашёлар далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Терговчи уларни ҳодиса содир бўлган жойда ёки тинтув, олиб қўйиш жараёнларида уларни кўздан кечириши мумкин. Ушбу кўздан кечириш туури тергов ҳаракати ўтказилаётган жойда амалга оширади. Кўдан кечириш жараёнида амалга оширилган ҳаракатлар баённомада акс этиши талаб қилинади.

Агарда нарсани кўздан кечириш узоқ вақт талаб қиладиган бўлса, унда ушбу тергов ҳаракати терговчи фаолият юритаётган жойда амалга оширилади. Айрим ҳолатларда нарса ёки ашёни дастлабки ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечирилишига қарамай терговчи ишлаш жойда кўздан кечиришга синчиклаб кўздан кечириш талаб қилинади. Ушбу ҳаракат шунчалик тўлиқ ва сифатли амалга оширилиш керакки, иш учун аҳамиятли бўлган бирор бир нарса назардан четда қолмаслиги керак.

Нарсаларни кўздан кечириш уларни умумий турга хослигини аниқлаш ва ўрганишдан бошланиши талаб қилинади. Кўздан кечириш орқали терговчи нарсанинг ҳолатини, унинг номланишини, нима мақсадда қўлланилиши, ундан фойдаланиш қоидаларини аниқлаши талаб қилинади.

Кейинги нарсаларни кўздан кечириш жараёнида индивидуал хос бўлган белгилари, ундаги камчиликлар, ўзига хос жиҳатлари кўздан кечирилади, ушбу ҳаракатлар нарсанинг қанча вақт давомида ва қандай мақсадда, ҳажмда фойдаланилганлик даражасини ва энг асосийси жиноятни содир этишга қандай алоқаси борлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Нарсани кўздан кечириш унга нисбатан экспертиза тадқиқоти ўтказишдек текширилишини таъминлай олмасада, экспертиза тадқиқоти объекти бўлиши мумкин бўлган маълумотларни унда аниқлаш, унинг далилий аҳамиятини йўқотмайдиган тарзда кўздан кечиришни назарда тутади.

**Ҳайвонларни кўздан кечириш усуллари.** Ҳайвонларни ўғирлаш жинояти ёки бошқа ҳайвонлар билан боғлиқ жиноятлар содир этилганда улар кўздан кечирилиши мумкин ҳисобланади. Ушбу кўздан кечириш ҳайвонинг кимга тегишли эканлигини ва уни айнанлигини аниқлашга оид белгиларни аниқлашга қаратилган бўлади.

Ушбу кўздан кечириш жараёнида:



а) ҳайвоннинг тури; б) пародаси; жинси, ёши; в) унинг маълум бир шахсга ҳўжаликка тегишли эканлигини аниқловчи белгилар мавжудлиги (бўйинбоғи, баданида қолдирилган белгилари); индивидуал белгилари (олдин олган жароҳатлари, индивидуал анатомик белгилари); ранги, ўзига хос белгилари аниқланади.

Ушбу жараёнларга ветеренар-мутахассиснинг жалб қилиниши янада яхшироқ эффект беради.

## **Ҳужжатларни кўздан кечириш усуллари.**

Жиноят ишларини юритишда ҳужжатларни кўздан кечиришга бўлган эҳтиёж пайдо бўлади. Ушбу жараёнларда қуйидагиларга эътибор қаратилиши талаб қилинади:

1) Ҳужжатларнинг умумий жиҳатларини характерловчи:

а) ҳужжатнинг тури – паспорт, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, хат ва бошқалар;

б) ким томонидан ва қачон ушбу ҳужжат тайёрланган ҳамда кимга мўлжалланган;

в) ҳужжатнинг мазмуни, қандай реквизитларга эга;

г) ҳужжатнинг ташқи томони – ҳужжатнинг сифати, сиёҳ, текст, ҳужжатда турли изларнинг мавжудлиги ва манбаси ҳамда бошқа излар.

2) ўрганилаётган ҳужжатнинг жиноят ишига алоқадорлигини аниқлаш мақсадида:

а) ҳужжатнинг маълум бир жойда ёки аниқ бир шахсда бўлишини аниқлаш; б) жиноят иши учун муҳим бўлган фактлар ва ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни ўзида сақловчи ҳужжатнинг мазмунини билиш;

в) ҳужжатнинг маълум бир шахс томонидан тўлиқ ёки унинг бир қисмини тайёрлаганлигини (принтер, сиёҳ, техник воситалар) билдирувчи фактларни топиш; г) ҳужжатга сохталаштириш мақсадида турли усулларда унга ўзгартиришлар киритилганлигини билдирувчи маълумотларни аниқлаш.

3) шикаст етган ҳужжатнинг ташқи кўринишини ва мазмунини тиклаш – йиртилган, ёнган, рангсизлантирилган ва бошқалар;

4) “кўздан кечириш баённомасида акс эттириш мақсадида ҳужжатни индивидуал белгиларини аниқлаш”.<sup>16</sup>

Ҳужжатларни кўздан кечириш жараёнида бир қатор қоидаларга амал қилиш талаб қилинади:

1. Ҳужжат билан ишлаш жараёнида уни бутунлигига шикаст етказмаслик талаб қилинади (букмаслик, ҳужжатда белгилар қолдирмаслик, ифлос юзаларга қўймаслик).

2. Дастлабки текширишни яхши ёритилган хонада амалга ошириш талаб қилинади (имкон даражасида кундузги), ҳужжатни қуёш нурида текшириш мақсадга мувофиқ саналади. Бундан ташқари ҳужжатни лупаларда, микроскопларда кўздан кечириш мақсадга мувофиқ саналади. Агарда ҳужжатлар кичкина қисмлардан иборат бўлса пинцетлардан фойдаланиб кўздан кечирилади.

3. Агарда ҳужжатнинг аслигига шубҳа бўлганда, шунга ўхшаш аналогдаги асл ҳужжатга қиёсланиши талаб қилинади. Ушбу ҳолат эса қиёсда ҳужжатнинг камчиликларини аниқлашга имкон беради.

<sup>16</sup> В.В. Мозяков: Руководство для следователей. Экзамен, 2005 г. 312 с (912 с.).



4. Хужжатни кўздан кечиришни унинг асосий тесктини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқ саналади. Шундан сўнг хужжатнинг реквизитларига эътибор берилиши талаб қилинади.

5. Кейинги босқичда хужжатнинг олд ва орқа томони, четларига эътибор қаратилади. Унда ручка, қалам излари, ўчирилган қисмлар, эгилишлар текширилади. Ушбу ҳолатлар хужжатнинг тахминий ясалган пайтини аниқлашга ёрдам беради.

Хужжатнинг сохталигини аниқлаш масаласи ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар қуйидаги ҳолатларни кўздан кечириш орқали аниқланади:

1. Хужжатнинг реквизитларни мавжуд эмаслиги, унинг мазмунинг асл ҳолатга тўғри келмаслиги.

2. Текста қарама қаршилиқлар, хатолар, хужжат мазмунининг тўғри келмаслиги.

3. Хужжатга ўзгартириш киритилганлик изларининг мавжудлиги. Асосан хужжатга ўзгартириш киритилганда ундаги ёзувлар ўчирилганда, вароқ қалинлиги камаяди, ўзгартириш киритилган жойнинг ёнидаги ёзувларга ҳам зарар етказилган бўлади. Ўзгартириш киритилган юзадаги ёзувлар ҳам аниқ бўлмай, кенгайган ҳолда ёзилган бўлади.

4. Хужжатдаги ёзувларни ўчириш, унга химиявий ўзгартиришлар киритиш ҳам муҳим сохталаштириш усулларида бири саналади. Химиявий моддалар қўллаш орқали қоғозда микра ёриқлар пайдо бўлади, қоғознинг ёзуви ўзгатирилган жойлари ультрабинафша нурларда қоғознинг бошқа қисмларига нисбатан бошқача рангда бўлади.

5. Хужжатга қўшимча маълумотларни киритилиши. Унда сўзлар орасида бошқа ёзувлар сингари интерваллар бўлмайди, асосан ёки қисқариш ёки кенгайиш аломатлари бўлади, ёзувларнинг бошқачароқлиги ҳам сохта хужжатга шубҳа уйғотади. Ёзув ранги, шакли, ёзиш усули ҳар хиллиги ҳам юқоридаги сингари сохта хужжатдан далолат беради.

6. Хужжатга маълум бир қоғоз элементларини ёпиштириш ҳам муҳим усул ҳисобланади. Унда қоғознинг оддий ҳолатидан кўра қалинроқ бўлишини кўриш мумкин бўлади. Хужжатдаги сонларнинг симметрияси бир бирига тўғри келмаслиги, ҳимоя элементлари чизиқлари бир бирига мос келмаслик ҳолатлари кузатилади.

7. Хужжатда расм ёпиштирилиши ҳолатларида асосан муҳр мавжуд бўлмайди, мавжуд бўлсада хужжатга қўйилган муҳр эмас бошқа муҳр қўйилган бўлиши мумкин бўлади, ёки аниқланмаслиги учун ичидаги ёзувни ўқиб бўлмайдиган даражада устма уст қўйилган бўлади.

8. Сохта муҳрларнинг қўйилиши. Асл муҳрда ёзувлар аниқ шакл ва ҳажмга эга бўлади. Белгилар ва ҳарфлар ораси аниқ масофаларда жойлашган бўлади. Сохта муҳрларга хос бўлган белгилар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади: ҳарфлар ва белгиларнинг бир хил эмаслиги, тстарндарт шаклда эмаслиги, бир белги элементларнинг бошқа белги элементларига нисбати ҳар хиллиги, муҳрнинг айрим четлари тўлқинсимон шаклда бўлиши, кичик муҳрда бўлиши керак бўлган белгиларнинг бўлмасли ва ҳоказо.





9. Имзонинг сохталаштирилганлиги. Бу бировнинг имзосига ўхшатиб имзо қўйиш, мавжуд имзони ёруғда қўйиб унинг устидан ручка юргизишлар бўлади.

**Овоз ёзувчи мосламаларнинг маълумотларини кўздан кечириш.** Бугунги кунда инсонларда маълумотларни овоз ёзувчи воситаларда сақлаш имкони мавжуд. Бу воситалар эса ўзида жиноятга алоқадор маълумотларни сақлаганда кўздан кечириш объекти бўлиши мумкин. Демакки, бугунги кунда кўздан кечириш фақатгина кўз орқали амалга оширилмасдан, балки овозларни тўлиқ тинглаб текширишни ҳам ўзида ифодалаши мумкин ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кўздан кечиришнинг сифатли ўтказилиши унинг қонуний ўтказилиши баробарида тактик қоидаларга риоя қилинганлигига боғлиқ ҳисобланади.